# ҚАРОР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА БЎЛСИН

### ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Областимиздаги мавжуд 5220 та партия группаси ва 5158 та цех партия ташкилотининг ҳаммасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Партия группаларида бўлган йиғилишларда коммунистларнинг 96,4 проценти, цех партия ташкилотлари йиғилишларида эса коммунистларнинг 96,2 проценти иштирок этди. Ҳисобот докладини муҳокама қилишда партия группаларида 22 минг 214 коммунист, цех партия ташкилотида эса 32 минг 31 коммунист иштирок этди. Музокара давомида улардан 24 минг 866 та таклиф ва танқидий мулоҳазалар тушди. Шу кунгача таклифларнинг 6150 таси амалга оширилди. Қолган таклифларнинг бажарилиши устидан пухта назорат ўрнатилди.

Йиғилиш қатнашчилари партия ташкилотларининг иш услуби ва методини, меҳнат коллективлари ўртасида олиб борилаётган идеологик ва ғоявий-сиёсий ишларни танқидий кўз билан таҳлил қилдилар, асосий эътиборни партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини, ўртоқ М. С. Горбачев нутқларида баён этилган қоида ва хулосаларни, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ва Тошкент область партия комитетининг IV пленуми қўйган вазифаларни бажаришга қаратдилар. Йиғилишлар давомида партиямизнинг XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Ангрен керамика комбинатининг механика цехи, Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмасининг ҳаракат бўлими, Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли совхоз маъмурий идораси цех партия ташкилотларида бўлиб ўтган йиғилишларда ишчанлик руҳи сезилиб турди. Ҳисобот докладларини муҳокама қилиш давомида коммунистлар кўпгина муҳим таклифлар билан чиқдилар. Қабул қилинган қарорлар пухта назорат остига олинди.

Ҳозир бошланғич партия ташкилотлари ҳаётида қизғин дамлар давом этмоқда. Уларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтаяпти. «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида партия ташкилотлари жанговарлигини, коммунистлар активлигини оширишга қаратилган муҳим таклифлар билдирилди.

Лекин айрим жойларда бўлиб ўтган йиғилишларда коммунистларнинг пассивлиги сезилиб турди. Тошкент ГРЭСи биринчи қозонтурбина цехи партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши белгиланган вақтда бошланмади. Ҳисобот доклади танқидий руҳда бўлмаганлиги учун ҳам музокара қизимади. Сўзга чиққан коммунистлар фақат хўжалик ишларига оид фикр ва мулоҳазани билдиришди-ю, аммо ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ўртага ташламадилар. Область сув хўжалиги бошқармаси партия ташкилотида бўлиб ўтган йиғилишда коммунистларнинг тўла давомати таъминланмади. Ҳисобот доклади юзасидан музокаралар ҳам суст бўлди.

Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмаси ҳаракат бўлими партбюроси адресига ҳам баъзи эътирозларни билдириш мумкин. Йиғилишда партия ўқувини ташкил этиш, партия сафларини ўстириб бориш, ёш коммунистларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар эътибордан четда қолди. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, тепловоз ва вагонлардан самарали фойдаланиш юзасидан бажарилаётган ишлар чуқур таҳлил қилинмади, резервлар очиб берилмади.

Йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказишга алоҳида эътибор билан қараш керак. Бу муҳим сиёсий кампания коммунистлар ҳаётида муҳим воқеа эканлигини унутмаслик зарур. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида коллектив ҳаётига даҳлдор ҳамма соҳа ишчанлик билан муҳокама қилиниши, бажарилган ишларга танқидий кўз билан баҳо берилиши, ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга қаратилган конкрет қарорлар қабул қилиниши керак. Қабул қилинган қарорлар ижроси устидан пухта назорат ўрнатилиши лозим.

Бўлиб ўтган йиғилишларда кўпгина фойдали таклифлар билдирилди. Шаҳар ва район партия комитетлари, барча корхоналар, хўжаликларнинг партия комитетлари танқидий фикр ва мулоҳазаларни умумлаштириб уларни амалга ошириш юзасидан зарур чоралар кўришлари керак.



◆ **«ЧИРЧИКСЕЛЬМАШ» заводида «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида ўтаётган умумхалқ мусобақаси тобора авж олмоқда. Бу меҳнат беллашувида корхонанинг барча цех, участка ва бригадалари фаол қатнашмоқдалар. Заводнинг йиғув цехи сўнгги ўн кунлик якуни бўйича ғолиб деб топилди. Суратда: цехнинг илғор ишчиларидан Абдураман Ахтемов.**

**В. Сироткин** фотоси.

# МОДДИЙ БАЗА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ЯНГИЙЎЛ шаҳар педагогика билим юрти йигирма йилдирки, мактабгача тарбия муассасаларига кадрлар тайёрлаб бериш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Кейинги йиллар ичида ислоҳот талаблари асосида ўқув даргоҳининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди. Фан кабинетлари бугунги кун талабларига мувофиқ жиҳозланди. Бу ерда кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаётган 130 нафардан зиёд олий маълумотли педагоглар, мутахассисларнинг малакаларини мунтазам ошириб бориш учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилди.

Билим юртида дарс соатининг самараси ҳақидаги масала жуда жиддий қўйилган. Бунга биринчидан педагог машғулотларини маъмурият томонидан тез-тез кузатиш орқали эришилса, иккинчидан очиқ дарслар сони кўпайиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, билим юртида ўқитувчининг масъулияти ҳар қачонгидан ҳам кучайтирилди. Уларга бўлган ғамхўрлик эса кадрлар қўнимсизлигига барҳам берди. Натижада сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳурмат-эътибор топаётган ўқитувчилар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўз умр мазмунини ёш авлодга билим беришда деб билган ва шу хизматлари туфайли эл оғзига тушган М. Урманцева, И. Эсономонов, Т. Охунова, Э. Алимбеков, Ш. Охунжонов, М. Қўчқорова каби ўнлаб тажрибали кадрларимиз шулар жумласидандир. Н. Мирҳамидова, М. Комилжонова, Р. Шарафутдинова каби педагогларнинг эса «Халқ маорифи аълочиси» деган фахрли унвонга сазовор бўлганликлари билан фахрланамиз.

Улар халқимизнинг ёш авлодни тарбиялаш борасида ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ўқувчилар контингенти ҳам йил сайин ортиб бораётир. Билим юрти ташкил этилган дастлабки йилларда 210 ўқувчи қабул қилинган бўлса, эндиликда ҳар йили билим юртини 500 дан зиёд ёшлар битириб чиқмоқдалар.

### МАКТАБ ИСЛОҲОТИ — ДАВР ТАЛАБИ

Ҳозирги пайтда бу ерда 2000 ўқувчи таълим олаётир.

Биз ўқувчиларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларини кўнгилли ўтказишларига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқдамиз. Улар билим олиш билан бирга ўзларининг иккинчи истеъдодларини ҳам намойиш этмоқдалар. Мавжуд «Ёшлик» ансамбли ҳаваскорларнинг шаҳар, область ва республика кўрикларида иштирок этиб, фахрли ўринларни олишга эришди. Ансамбль қатнашчилари пахта йиғим-терими мавсумида паҳтакорлар ҳузурида бўлишиб, ўзларининг ранг-баранг концерт программалари билан меҳнаткашларни хушнуд қилмоқдалар.

Ватанимиз пойтахти Москва, Ленинград ҳамда бир қанча қаҳрамон шаҳарларга, республикамизнинг тарихий жойларига экскурсиялар уюштириш, ёшларни диёримизнинг диққатга сазовор ерлари билан таништириш ҳам бизда анъанага айланиб қолди.

Ўқувчилар ўқиш жараёнида олган билимларини ишлаб чиқариш практикаси даврида янада мустаҳкамлаб бормоқдалар. Улар охирги ўқиш йилида шаҳримиздаги бир қанча намунали боғча ва яслиларда бўлиб, у ерда тарбиянинг прогрессив усуллари билан танишадилар.

Билим юртида ҳар йилги ёзги таътил кунларида ташкил этиладиган «Меҳнат лагерлари» колхоз меҳнаткашларининг мева-сабзавот ҳосилларини йиғиб-териб олишларида катта ёрдам бермоқда.

Албатта, бизда ҳамма ишлар силлиқ кетяпти, деб бўлмайди. Ҳали олдимизда педагогларимизнинг билим савиясини ошириш билан боғлиқ бўлган бир қанча муҳим масалалар мавжуд. Айрим дарсликлар, программаларнинг етишмаслиги ишимизда анча қийинчиликлар туғдирмоқда. Ҳанузгача спорт базамизнинг йўқлиги мукаммал машғулотлар ўтказишимизга халақит бераётир.

Биз ошиб бораётган талабларни яхши тушунган ҳолда ёш авлодни тарбиялашга бутун куч-ғайратимизни сарфлайверамиз.

**Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ,**
**Янгийўл шаҳар педагогика билим юрти директори, халқ маорифи аълочиси.**

# «Совет Ўзбекистони» — 1986 йилда

«Совет Ўзбекистони» республиканинг энг йирик, етакчи газетаси. Унинг бир галги тиражи 810 минг нусҳадан ортиқдир. Газета меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларни мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини бажаришга сафарбар этишда катта роль ўйнамоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март ва апрель Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари, янги шароитлардаги юксак талаблар газетанинг мазмунига ғоят самарали таъсир ўтказди. Редакция ижодий коллективи фаолияти сезиларли даражада активлашди, газетанинг чиқишларида танқидий руҳ, принципиаллик, материалларнинг таъсирчанлиги ошди.

Маълумки, янги йилда КПСС XXVII съезди чақирилади. Съезд янги таҳрирдаги КПСС Программаси ва партиянинг ўзгаришлар киритилган Уставини қабул қилади, ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача давр мобайнида СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларини тасдиқлайди. Газетанинг 1986 йилдаги тематик йўналишини ана шу муҳим ҳужжатлар ва съезд қабул қиладиган бошқа қарорлар белгилаб беради. Шу муносабат билан газета саҳифаларида бериладиган назарий мақолалар ва сиёсий суҳбатларда партиянинг совет жамиятидаги раҳбарлик ва йўналтирувчилик роли, унинг ҳозирги босқичдаги илмий асосланган иқтисодий ва социал сиёсати, дунёда ялпи тинчликни сақлаш ва ядро уруши олдини олишга қаратилган ташқи сиёсати, социалистик демократияни янада ривожлантириш ва бошқа муҳим проблемалар ўз ифодасини топади. Халқ хўжалиги тармоқларини интенсив ривожлантириш изларига ўтказиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик механизмини қайта қуриш, меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формаларини жорий этиш каби жуда муҳим масалалар газетанинг диққат марказида бўлади.

Шунингдек, газетанинг ижодий изланишлари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ресурсларни тежаб-тергаш темаларини турли жанр ва формаларда чуқур мазмунли, меҳнат коллективлари амалий ишига ёрдам берадиган даражада ёритишга бўйсундирилади. Публицистиканинг кишилар онгига таъсир этиш кучи шу куннинг асосий шиорлари — суръат, сифат, тежамкорлик ва уюшқоқликни ҳар бир меҳнатчининг жонажон ишига айлантиришга қаратилади.

### ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Республика агросаноат комплексини интенсив методлар асосида янада тараққий эттириш, пахта етиштириш жараёнларини комплекс механизациялаш, агросаноат бирлашмалари тажрибаси ва проблемалари, Озиқ-овқат программаси талаблари асосида чорвачилик ва унинг озуқа базасини, ғаллачилик ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш масалалари газетадан муносиб ўрин олади.

Партиямиз, аввало, коммунистларни, бутун меҳнатчиларни сабот ва ғайрат билан меҳнат қилишга, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга, раҳбар ходимларни ҳалол ва камтар бўлиб, замон талаблари даражасида ишлашга даъват қилаётир. Шуни ҳисобга олиб, газета коммунистлар, партия ташкилотлари авангардлик ролини оширишга, меҳнат коллективларида туғиладиган ҳақиқий ташаббус ва қимматли тажрибаларни, социалистик мусобақани уюштириш ва унинг самараларини ёритишга жиддий эътибор беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талабларидан келиб чиқиб, хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги савиясини ошириш, партиявий раҳбарликнинг усул ва услублари, кадрлар билан ишлашда ленинча принципларга қатъий риоя қилиш, интизом ва талабчанликни ошириш, қабул қилинган қарорларнинг ижроси назоратини кучайтириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, идеология ишлари таъсирчанлигини ошириш, бюрократизмга, социалистик мулкни талон-тарож қилишга, ҳар хил сунистеъмолчиликларга қарши кураш тўғрисидаги материаллар аввалгидек газетанинг диққат марказида бўлади.

Бундан ташқари газетада социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳаёти, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, халқларнинг миллий озодлик кураши, империализмнинг реакцион моҳияти ва урушқоқлик сиёсатини, унинг идеологиясини фош этиш, контрпропагандани кучайтириш масалалари ҳам муайян даражада ўз ифодасини топади.

Редакция режаларида аҳлоқ ва одоб, маориф ва маданият мавзулари, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, бу соҳада яратилган янги асарлар билан ўқувчиларни таништириб бориш, аҳолига хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт соҳаларидаги аҳволни мунтазам таҳлил қилиб туриш кўзда тутилади. Редакция газетанинг асосий мухбири — газетхонлар хатларига бундан буён ҳам эътиборни кучайтираверади, улардан фойдаланишнинг турли формаларини ишга солади.

Ҳозир «Совет Ўзбекистони» газетасига обуна қабул қилиш қизғин давом этмоқда. Хонадонингиз ҳамдами бўлмиш бу газетага вақтида ёзилишни унутманг.

Обуна «Союзпечать»нинг барча тармоқларида, алоқа бўлимларида, колхоз ва совхозларда, корхона ва муассасаларда, ўқиш жойларида чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

**Эслатиб ўтамиз:** газетанинг бир йиллик обуна баҳоси — 7 сўм 80 тийин, ярим йилга — 3 сўм 90 тийин, уч ойга — 1 сўм 95 тийин.

### ТЕРИМНИ ИДЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАЙЛИК

# ХИЗМАТ — ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА

Пахта теримини идеологик жиҳатдан таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирларга кўра шу кунларда «Билим» жамияти аъзолари теримчи ва механизаторлар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириб юборганлар. «Билим» жамияти область ташкилоти томонидан ташкил этилган пропаганда группаси барча пахтачилик районларида бўлди. Ҳар куни олий ўқув юртларининг олимлари ва ўқитувчилари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари ходимларидан иборат 10—12 нафар лектор районлардаги 2—3 хўжаликда турли мавзуларда суҳбатлар ўтказяпти. Терим мавсуми бошлангандан бери пропаганда группаси аъзолари томонидан хўжаликларнинг дала шийпонларида 200 тадан кўпроқ лекция ўқилди.

Йиғим-терим мавсуми давомида пахтачилик хўжаликларида «Лекторлар куни»ни ўтказиш мўлжалланмоқда. Бу кун район партия комитетининг аъзолари, район партия хўжалик активи ва энг яхши лекторлар ҳар бир хўжаликда план топшириқлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ахборотлар берадилар.

Область маданий-маърифий муассасаларининг ходимлари ҳам ўз ўринларини пахтазорларда, деб билмоқдалар. Ҳозир пахтакорларга хизмат кўрсатиш учун 100 га яқин агитация-бадиий бригадаси ва 100 та кўчма кутубхона ташкил этилган.

Ҳар куни иккита концерт бригадаси пахтачилик хўжаликларида ўз санъатларини намойиш қилмоқда. Уларнинг составида бадиий ҳаваскорлик коллективлари қатнашчиларидан ташқари рассом ҳамда врачлар ҳам бор. Рассомлар дала шийпонларида кўргазмали агитация воситалари тайёрлаш ва жанговар варақалар чиқаришда идеология активига ёрдам кўрсатмоқдалар. Врачлар эса пахтакор ва механизаторларни медицина кўригидан ўтказишяпти.

Идеология ходимлари йиғим-терим ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш ва КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга ўз ҳиссаларини қўшиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

# 12-БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

КОММУНИСТ Манзура Умаралиева мастерлик қилаётган бригада чеварлари Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасининг Паркент филиалида илғорлардан саналади. Коллективда меҳнат қилаётган 18 нафар тикувчиларнинг барчаси меҳнатсеварлиги, иш вақтидан унумли фойдаланиши, меҳнат интизомига қатъий риоя қилаётганлиги туфайли илғорликни қўлдан бермай келмоқда.

Белгиланган ойлик планга кўра бригада аъзолари 6300 тадан болалар кийимларини тикишлари керак. Аммо бу кўрсаткич ҳар ойда тахминан 7 мингтадан ошириб бажарилмоқда. Чеварлардан Гулнора Зокирова, Ҳолида Мирзараимова, Шарифа Тошпўлатова каби илғорларнинг ғайрат кўрсатиб ишлашлари натижасида бугунги кунда бригада коллективи 1986 йилнинг февраль ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

**М. МИРКАМОЛОВ.**

# МЕҲНАТ ТАРБИЯСИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

ЯНГИ инсон маънавий етук, ахлоқан пок, жисмонан баркамол бўлиши зарур. Партия ҳамда ҳукуматимиз томонидан маъқулланган «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да бунга алоҳида аҳамият берилган.

Район халқ маорифи бўлими Советининг аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, Тошкент область Советининг депутати Ҳуррият Деҳқонова директорлик қилаётган 12-мактаб педагоглари ҳам ана шу вазифаларни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйганлар.

Ўқитувчилардан Бойир Қурдошев, Ўғилой Ўтонова, Тожиниса Қаюмова, Анора Нишонова, Пардагул Тошматова, Раъно Йўлдошевалар юқорида қайд этилган фазилатлар билан ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шу боисдан бўлса керак, мактабни битирган талабаларнинг аксарияти олий ҳамда ўрта ўқув юртларининг сиртқи бўлимларида таҳсил кўрган ҳолда район хўжаликлари ва корхоналарида самарали меҳнат қилмоқдалар.

«Стройпластмасс» комбинатининг илғор ишчилари, шаҳар Советининг депутати Ҳамидахон Умарова, Комил Ниёзов, Қурдош Тожибоев, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмасининг етук мутахассислари Жўра Юнусов, Турғун Ҳамроев, «Сантехмет» заводининг ишчиси Ўроз Мерганов ва бошқалар айнан шу мактабда тарбия олганлари билан фахрланадилар.

**М. ҚАЮМОВ,**
**Оҳангарон райони.**

# ЙИҒИМ-ТЕРИМ ВА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

### ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИДАН

ПАХТА далаларида йиғим-терим қизғин паллага кирди. Шубҳасиз, етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олишда ва умуман бу кампанияни ташкил этишда транспорт воситаларининг роли каттадир. Шаҳарлик ёрдамчиларни йиғим-теримга жалб этиш муносабати билан эса ҳаракат хавфсизлигига бўлган талаб янада ортади.

Яқинда область ижроия комитети ҳузуридаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда юқоридаги масалалар муҳокама қилинди.

Йиғим-терим олдидан давлат автоинспекцияси қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар ўтказди. «Трактор» операцияси ҳам шулар жумласидандир. Бу ишга шаҳар ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари ҳам жалб қилинди. Бир ой ичида область давлат автомобиль инспекцияси томонидан 3 мингдан ортиқ ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши аниқланди. Жумладан, юзга яқин киши рулни маст ҳолда бошқарган, 451 марта қоидага хилоф равишда, рухсат этилмаган транспорт воситаларида одам ташиш ҳоллари қайд қилинган. Гаражлардан чиқаётган ва қайтган транспорт воситалари текширилганда 2600 дан кўп трактордан техник носоз ҳолда фойдаланилаётганлиги маълум бўлди.

— Биз область қишлоқ хўжалик бошқармаси раҳбарларига тракторлар ҳаракат хавфсизлигига раҳна солаётгани тўғрисида бир неча марта айтдик,— деди йиғилишда область Давлат автомобиль инспекцияси бошлиғи, милиция майори М. Аҳмедов,— лекин бу муҳим ишга эътибор қилишмаяпти. Колхоз ва совхозлардаги гаражларда тракторчилар ўртасидаги оммавий-тарбиявий ишлар талаб даражасида бўлмаяпти. Ҳатто айрим раҳбарлар автомобиль инспекцияси томонидан юборилган хатларга жавоб беришни лозим кўришмаяпти. «Трактор» операцияси якунларига кўра хўжаликларга, турли ташкилотларга ҳайдовчиларнинг 99 нафари кайф билан рулга ўтирганлиги ҳақида хатлар юборилди. Лекин уларнинг 20 тасигагина жавоб олинди.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, область автобус парки томонидан 19 сентябрда линияга чиқарилган автобусларнинг бир қанчаси носоз, деб топилди. Келес автопаркига қарашли автобуслар текширилганда қатор камчиликлар аниқланди.

Албатта, йўлларнинг ҳолати ҳаракат хавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Айрим хўжаликлар территориясидаги йўллар нотекис, ўнқир-чўнқир, мавсумга тайёрланмаган. Тегишли ташкилотлар, хўжаликлардан бундай камчиликларни тезда тугатиш талаб этилади.

Йиғилишда шаҳар ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш комиссияларининг ишларидаги камчиликлар ҳам таҳлил қилинди. Комиссияларнинг айримлари актив фаолият кўрсатмаётганлиги таъкидланди. Масалан, Калинин район ижроия комитети ҳузуридаги комиссия ўтган 8 ой ичида бир мартагина мажлис ўтказган холос. Бўка, Пискент, Янгийўл, Бекобод шаҳар ва районлар ижроия комитетлари ҳузуридаги ҳаракат хавфсизлиги комиссиялари камчиликлардан хулоса чиқариб, ўз ишларини шу кун даражасига кўтаришлари лозим.

Йиғим-терим кампанияси даврида область автомобиль инспекцияси ва унинг бўлимлари томонидан комплекс тадбирлар ишлаб чиқилди. Эндиликда жойларда транспорт ва пиёдалар ҳаракати қаттиқ назорат остига олинади, хўжалик территорияларида постлар ва патруль маршрутлари ташкил этилади. Бу даврда агитация ва профилактика ишларига алоҳида эътибор берилади. Автохўжаликлар, гаражларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича суҳбатлар, лекциялар давом эттирилади.

Йиғилишда область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ж. Тойметов, Тўйтепа автобус-таксомотор парки директори Ф. Асанов, Тошкент область автопарки директори ўринбосари В. Борисов, область давлат автомобиль инспекцияси дивизион командири В. Турдиматовлар йиғим-терим мавсуми муносабати билан олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот бердилар.

Йиғилишда область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Ф. Клепиков, республика Ички ишлар министрининг ўринбосари полковник У. С. Раҳимов иштирок этдилар.

**Б. ПУЛАТОВ.**

# ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК ПЕШҚАДАМИ



**«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор ўн кунликлар самарали ўтмоқда. Унда иштирок этаётган кўпчилик чеварлар нормани ошириб бажаришяпти. Ушбу суратдаги Робияхон Сулаймонова ҳам шундай пешқадамлардан. У нормани 130 процентга етказиб адо этмоқда.**

**М. Нуриддинов** фотоси.

### ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материаллари изидан

## «БОЗОР, НАРХ-НАВО, ТРАНСПОРТ МУАММОСИ»

**Юқоридаги сарлавҳали рейд мақолада давлат машиналаридан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланаётган баъзи қоидабузарлар танқид қилинган эди. «Спецмонтажводстрой» трестининг Наримонов шаҳридаги автобазаси шофери Жумабек Жўраевнинг маст ҳолда пассажир автобусига мол ортиб, киракашлик қилаётганда ушланганлиги кўрсатилганди.**

**Рейд мақолага Ўзбекистон ССР сув хўжалиги қурилиши давлат комитети раисининг ўринбосари А. Д. Каприеловдан жавоб олинди. Унда мақола сув хўжалиги давлат комитетида кўриб чиқилганлиги айтилади. Муҳокамада барча автотранспорт ташкилотларининг раҳбарлари ва сув хўжалиги давлат комитетининг автомобиль хўжалиги ҳамда автотранспорт корхоналарининг раҳбарлари иштирок этган. «Спецмонтажводстрой» автобазасининг шофери Ж. Жўраев давлат машинасидан ўз манфаати йўлида фойдаланганлиги учун автобус ҳайдовчилигидан автослесарликка ўтказилган.**

**«Спецмонтажводстрой»га қарашли автобаза раҳбарлари маъмурий йўл билан жазоланган. Эксплуатация бўлимининг бошлиғи У. Исмоилов вазифасидан бўшатилган.**

